5.2 Сотувчи товарни белгиланган муддатларда бермаган тақдирда харидорга хар бир кечиктирилган кун учун товар партияси қийматининг 0,4% (фоиз) миқдорида, лекин етказиб берилмаган товар қийматининг 50% (фоиз) дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3 Харидор, шартномада белгиланган муддатларда туловларни амалга оширмаган тақдирда, кечиктирилган хар бир кун учун туловларни амалга оширган кунгача тўланган қарзнинг 0,4% (фоиз) миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% (фоиз) дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

5.4 Сотувчи тўланмаган, қўшимча ҳисобланган қариздорлик бўйича талабнома тақдим қилинган кундан 30 кун ўтказиб Харидор хисоб рақамидан акцептсиз олиш ҳуқуқи вужудга келади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

6.1 Шартнома тузилгандан сўнг Томонлар аввалдан шартнома шартлари билан кўзда тутилмаган фавқулодда ҳолатлар ва енгиб бўлмас кучлар таъсири юз берганида шартнома шартларини бажаришдан озод бўлиши мумкин. Бунга қуйидаги ҳолатлар киради: сув тошқини, ёнғин, ер силкиниши, шунингдек уруш ва уруш харакатлари хамда шу каби бошқариб бўлмайдиган холатлар.

6.2 Агарда Томонларнинг бирида 6.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда бу ҳақда иккинчи Томонга дархол хабар бериши лозим. Хабарда юз берган ҳолат тавсифи ва тафсилоти, унинг шартнома шартларига кайси даражада таъсир қилиши кўрсатилиши лозим. Келтирилган холатлар бўйича хабар қилинмаган ёки кечиктириб хабар қилинганда, кейинчалик ушбу холатларни асос сифатида кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

6.4. Форс-мажор холатлари 3 ойдан кўпрок давом этганда Томонлар шартнома шартларини қайта кўриб чиқишлари мумкин, бунда Томонларнинг ўзаро шартнома шартларини бажарган қисми бўйича тўлиқ хисоб-китоблар амалга оширилади.

## 7. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1 Ушбу шартнома буйича хар қандай келишмовчилик томонларнинг музокара йўли билан ҳал этилади.

7.2 Томонлар музокара йўли билан келишувга эришмаган тақдирда, вужудга келган келишмовчиликлар Тошкент туманлараро Иқтисодий Судида кўриб чиқилади.

7.3 Ушбу шартномада кўзда тутилган барча холларда, томонлар Узбекистон Республикаси амалдаги қонун хужжатлари билан, хамда, шу олди - сотди шартнома шартлари шунингдек «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун билан тартибга солинади.

7.4 Мурожаат ва талабнома бериш мажбурийдир.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо қўйганларидан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

8.2 Агар шартнома тузувчилар томондан шартномани тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзма келишув бўлмаса, у холда шартнома кейинги йил охиригача амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| «RADIKS» | |
| Масъулияти Чекланган Жамияти | ИБН СИНО НОМЛИ 1-ШКШ Шайхонтохур тумани, Кўкча дарвоза, 40-уй |
| Манзил: 100054 Тошкент шахар Чилонзор тумани Лутфий кучаси 50уй | Манзил: |
| Х/Р: 20208000604153791001 | Х/Р СПЕЦ СЧЕТ Л/С: 401 421 860 262 777 950 100 054 001 ИНН: 200 935 895 ОКОНХ: 919 00 |
| КДБ Банк Узбекистана | в МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ Р/С: 2340 2000 3001 0000 1010 |
| МФО: 00842 | МФО: МАРКАЗИЙ БАНК ХККМ ТОШКЕНТ ШАХРИ ИНН: 201 122 919 МФО: 00014 |
| ИНН: 203 714 417 | ИНН: |
| ОКЭД: 21 200 | ОКЭД: 401421860262777950731010510001 |
| Телефон: 71-273-80-58, факс: 71-273-43-98 93-501-77-88 | Телефон: |
| Корхона Директори | Корхона директори |
| м.ў. ____________ А. А. Каримов | м.ў. ____________ |

Ҳуқуқшунос ____________

Шартномани имзога таёрлаган сотув бўлими ходими исм-шарифи____________